

Худайбердиев Нельмат Умарович СамИСИ доценти

**ТУРИСТИК-МЕҲМОНХОНА МАЖМУАЛАРИДА ДАРОМАДАЛР  
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Аннотация: Мақолада туристик-мехмонхона мажмуаларида даромадлар ҳисобини такомиллаштириши баён қилинган.*

*Калит сўзлар: даромад, ҳисоб, туристик-мехмонхона мажмуалари, хизмат, асосий фаолият даромади.*

*Аннотация: В статье рассматривается совершенствование учета выручки в туристско-гостиничных комплексах.*

*Ключевые слова: доход, учет, туристско-гостиничные комплексы, услуга, доход от основной деятельности.*


*Annotation: The article describes the improvement of revenue accounting in tourist and hotel complexes.*

*Keywords: income, account, tourist-hotel complexes, service, main activity income.*

Туристик-мехмонхона мажмуалари умумхўжалик фаолиятининг хилмачиллиги, уларнинг ҳар бирини ўзига хос жараёнлардан ташкил топиши ушбу субъектларда даромадларни шаклланишида ўзига хос жиҳатлар мавжудлигидан дарак беради. Бироқ, ҳозирги кунда республикамизда чоп этилган адабиётларда туристик-мехмонхона мажмуаларида даромадларнинг таснифи, тавсифи, таркиби, тан олиниши, ўлчаниши, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши етарлича ўз аксини топмаган. Шунингдек, ушбу субъектлар даромадларини ҳисобга олишнинг методологик жиҳатлари бухгалтерия ҳисобига оид меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам маҳсус белгиланмаган. Буларнинг барчаси туристик-мехмонхона мажмуалари амалиётида олинаётган даромадларни у ёки бу фаолият турлари таркибига киритишда ҳамда аниқ ҳисобот даврлари ҳисоботида акс эттиришда, мос равишида, уларни ҳисобот даврлари бўйича солиқ солиш обьекти сифатида шакллантиришда ва солиққа тортишда айрим чалкашликларга сабаб бўлмоқда. Бундай чалкашликлар ҳамда муаммоларни республикамизда фаолият юритаётган кўплаб туристик-мехмонхон мажмуалари амалиётида учратиш мумкин. Шу боис ҳам, турли чалкашликларга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек даромадларнинг яхлит таснифий ва тавсифий асосларини яратиш, мос равишида улар ҳисобини яхлит

методологик тартиб асосида олиб борилишини таъминлаш учун амалдаги меъёрий ҳужжатларни янада ҳам такомиллаштириш зарур.

Туризм соҳаси ва меҳмонхона бизнеси субъектларида асосий фаолият турларидан олинган даромадларга уларга давлат статистика органи томонидан белгиланган тармоқ кодларига мос келадиган ҳамда уларнинг уставида асосий фаолият турлари сифатида кўрсатилган одатий тусдаги фаолият турларидан олинган даромадларни, асосий бўлмаган фаолият турларидан олинган даромадларга эса одатий бўлмаган фаолият турларидан, яъни молиявий фаолият ва инвестиция фаолиятидан олинган даромадларни киритиш лозим. Ҳар иккала групга кирувчи даромадларнинг аниқ турларини, фикримизча, қуидагича белгилаш мақсадга мувофиқ (1-расмга қаранг).



### 1-расм. Туристик-меҳмонхона мажмуалари даромадларининг таркиби

Туризм соҳаси ва меҳмонхона бизнеси субъектлари асосий фаолияти турларига киритиладиган хизмат турлари ва улардан олинадиган даромадларнинг аниқ мақомини, шунингдек мос равища бу даромадларни

тасдиқловчи ва уларга гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатлар тизимини қатъий белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Туристик хизматлар бозорида турпакет (ваучер)лар бўйича даромадларни босқичма-босқич тан олиш усулида олинган даромад суммаси томонлар ўртасида тузилган шартнома шартига кўра қуидаги иккита метод асосида топилиши мумкин.

**1-метод** – турпакет (ваучер) қийматининг ўртача бир кунлик қийматини ҳисобот даврида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар кунлари сонига кўпайтириш орқали топиш методи. Ушбу методда ҳисобот даврига тўғри келадиган даромад суммасини ( $D_s$ ) ҳисоблаб топишнинг арифметик курилмасини қуидаги формула кўринишида ифодалаш мумкин:

$$D_s = K_d * X_k \quad (1)$$

$$K_d = TPK : T_k \quad (2)$$

Бу ерда:  $TPK$  –турпакет (ваучер)нинг қиймати;  $K_d$  – турпакет бўйича ўртача бир кунлик даромад;  $T_k$  – турпакет бўйича жами хизмат кунлари сони;  $X_k$  – ҳисобот даврида ҳақиқатда кўрсатилган хизмат кунлари сони.

**2-метод** – турпакет (ваучер) қийматининг бажарилиш фоизи методи. Ушбу методда ҳисобот даврига тўғри келадиган даромад суммасини ( $D_s$ ) ҳисоблаб топишнинг арифметик курилмасини қуидаги формула кўринишида ифодалаш мумкин:

$$D_s = TPK * \Phi \quad (3)$$

$$K_d * X_k$$

$$\Phi = \frac{----- * 100\%}{TPK} \quad (4)$$

Бу ерда:  $\Phi$  - даромадларнинг ҳисобот даврига тўғри келадиган ҳиссаси (%).

Даромадларни ҳисобот даврлари бўйича босқичма-босқич ҳисоб-китоб қилишининг юқорида тавсифи келтирилган иккита методини меҳмонхона хизматлари бўйича ҳам улар бир даврда бошланиб, иккинчи даврда тутатилганда қўллаш мумкин. Бунда жами меҳмонхона хизматларига тўғри келадиган даромад ҳамда жами хизмат кунлари сони меҳмонхона ва мижоз

ўртасида тузилган шартнома асосида, шунингдек 100 фоиз миқдорида тўланган бўнакни тасдиқловчи хужжатлар асосида топилади. Фикримизча, меҳмонхона хизматлари бўйича ҳисобот даврига тўғри келувчи даромадларни ҳам юқорида келтирилган формулалар бўйича маҳсус ҳисобкитоблар асосида тан олиш ва ҳисботга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Даромадларни сарфланган харажатларга қараб тан олиш усулида ҳисбот даврига тўғри келувчи даромадни ҳисоб китоб-қилиш услубияти ўз ичига маълум кетма кетлиқда бажариладиган амалларни олади. Ушбу амаллар, жумладан куйидагилардан иборат.

**Биринчидан**, ҳисбот даврида ҳақиқатда қилинган харажатларнинг ( $X_h$ ) жами турпакет (ваучер) таннархига ( $T_{Pt}$ ) бўлиш ҳам 100 фоизга кўпайтириш орқали кўрсатилган хизматларнинг тугалланиш фоизи ( $T_f$ ) топилади, яъни:

**$X_h$**

$$T_f = \frac{X_h}{T_{Pt}} \times 100 \% \quad (5)$$

**$T_{Pt}$**

**Иккинчидан**, жами турпакет (ваучер) қийматини ( $T_{Pk}$ ) тугалланиш фоизига ( $T_f$ ) кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш орқали ҳисбот даврига тўғри келадиган хизматлардан олинган даромаднинг суммаси ( $D_c$ ) топилади, яъни:

$$D_c = T_{Pk} * T_f / 100 \% \quad (6)$$

Республикамизда чоп этилган адабиётларда туристик-меҳмонхона мажмуаларида даромадларнинг таснифи, тавсифи, таркиби, тан олиниши, ўлчаниши, ҳисоб ва ҳисботда акс эттирилиши етарлича ўз аксини топмаган. Шунингдек, ушбу субъектлар даромадларини ҳисобга олишнинг методологик жиҳатлари бухгалтерия ҳисобига оид меъерий-хуқуқий хужжатларда ҳам маҳсус белгиланмаган. Буларнинг барчasi туристик-меҳмонхона мажмуалари амалиётида олинаётган даромадларни у ёки бу фаолият турлари таркибига киритишда ҳамда аниқ ҳисбот даврлари ҳисботида акс эттиришда, мос равишда, уларни ҳисбот даврлари бўйича солиқ солиш обьекти сифатида шакллантиришда ва солиққа тортишда айрим

чалкашликларга сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам, турли чалкашликларга олиб келувчи ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек даромадларнинг яхлит таснифий ва тавсифий асосларини яратиш, мос равиша улар ҳисобини яхлит методологик тартиб асосида олиб борилишини таъминлаш учун амалдаги меъёрий ҳужжатларни янада ҳам такомиллаштириш зарур.

Туристик-меҳмонхона мажмуалари даромадларини улар фаолиятининг турларига кўра иккита гурухга ажратиш мақсадга мувофиқ. Булар: (1) асосий фаолият турларидан олинган даромадлар; (2) асосий бўлмаган фаолият турларидан олинган даромадлар. Туризм соҳаси ва меҳмонхона бизнеси субъектларида 1-гурухга уларга давлат статистика органи томонидан белгиланган тармоқ кодларига мос келадиган ҳамда уларнинг уставида асосий фаолият турлари сифатида кўрсатилган одатий тусдаги фаолият турларидан олинган даромадларни, 2-гурухга эса одатий бўлмаган фаолият турларидан, яъни молиявий фаолият ва инвестиция фаолиятидан олинган даромадларни киритиш лозим. Ишда ушбу гурухларга кирувчи даромадларнинг аниқ турлари белгиланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абрасулова Ж. Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. Учебно-практическое пособие. Караганда, 2005. с – 108.
2. Быстров С.А., Воронцова М.Г. Туризм: макроэкономика и микроэкономика. – СПб.: «Издательский дом Герда», 2008. – 464 с.
3. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Маъruzалар курси. Сам ИСИ, 2006. – 86 б
4. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 2-қисм.- Самарқанд, СамКИ, 2004. -232 б